

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ИНСОННИ ИФОДАЛОВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШ ҲАҚИДА

Худайбергенов Азамат Абдикалыкович,
*PhD, катта-ўқитувчи, Инглиз тили ва адабиёти кафедраси,
НукусДПИ, Ўзбекистон, Нукус*

Аннотация: Мазкур мақолада фразеология тўзгисида тушунча акс этилади. Фразеологик бирликлар ва уларнинг ифодаланиши, инсонни ифодаловчи бирликлар ўрганилади.

Калит сўзлар: Антропоцентризм, фразеологик бирликлар, лингвомаданиятшунослик, лингвопрагматика, лингвокогнитология, маданиятлараро мулоқот.

Фразеология олам лисоний манзарасининг алоҳида бир фрагменти (бўлаги). ФБ (фразеологик бирлик) воситасида тил эгасининг объектга бўлган субъектив муносабатини ифодалайди, борликка баҳо беради, инсоннинг эмоционал ҳолатини намоён қилади, инсоннинг ташқи таъсирга ҳар хил психологик реакцияларини ифодалайди. Шу сабабли фразеология орқали «инсон ахборотни тизим сифатида қайта ишлашни, ҳулқ-атворини тасвирлаш ва тушунтиришни, ички кечинмаларини ифодалашни ўрганади» [3:33].

Ҳозирги замон тилшунослигида етакчилик қилаётган тил ҳодисаларига когнитив ёндашув анъанавий масалаларни тил бирликларининг мазмуни, мақомини ва функцияларини янгича ҳал қилишга имкон берди. У тил жамоасининг билиш фаолияти ва улар томонидан тилда тўпланган билимлар тасавури ўртасидаги алоқаларни аниқлаш имконини берди: борлиқнинг ўрганилаётган фрагментини билиш йулларининг маданий шартланганлиги ҳақидаги маълумотларни олишга имкон яратади.

Фразеология- бу тилнинг хазинаси. ФБ ларда халқ тарихи, унинг ўзига хос маданияти ва турмуши ўз аксини топади. Шу сабабли ҳам ФБ ларда миллий характер акс этади. Ҳар бир тилнинг фразеологик фондида улар ниҳоятда кўп [3:34].

Инсон ташқи дунё объектларига инсоний белгилар бахш этишга интилади (жонсиз предметларга ҳам). Шунга боғлиқ ҳолда Ш.Балли таъкидлайди: «Инсон ақлининг асрий тугал эмаслиги шунда ҳам аён бўладики, инсон ўзини ўраб турган нарсани илоҳийлаштиришга интилади. У шуни билмайдик, табиат ўлик ва беқалб; унинг тасавури жонсиз предметларни ҳам жонли қилишга ҳаракат қилади, бу ҳали ҳаммаси эмас,

инсон доимо ташқи дунё предметларига ўз шахсига хос бўлган белгиларни ва интилишларни татбиқ этиб келади» [1:416].

Юқориги нуқтаи назардан В.Г.Гак яна ҳам кенгайтиради: «Инсон диққат марказида унинг ўзи бўлганлиги учун шундан келиб чикиб, ўзи мавжуд бўлган дунёни ўзига ва ўз образига мувофиқ этиб тасвирлайди. Баъзи философларнинг таъкидлаганидек, тил антроформизми ибтидоий тафаккурнинг қолдиқлари эмас, тилдаги номинация воситаларининг ривожланиши умумий қонуниятлари ҳам эмас» [2:270].

Ҳар хил тилларда фразеология шаклланишга комплекс ёндашув уларнинг қонуний фарқларини ва умумий жиҳатларини аниқлаш имконини беради. Бунда ФБ семантик структураси унинг маънолари билан қамраб олинмайди. Семантик структуранинг муҳим элементлари маъно билан биргаликда бир бутун ҳосиланинг тузулиши, грамматик шаклланганлиги ва тил системаси алоқаларидир.

Масалан, инглиз тилидаги кўпгина субстантив ФБ ларнинг характерли белгилари шуки, уларнинг якка сўзлар воситасида бериш мумкин бўлмаган тушунчаларни ифодалай олишидир. Ундай фразеологизмларнинг лексик синонимлари йуқ. Қиёсланг:

a rough diamond («қўполроқ, аммо яхши одам»);

a wolf in sheep's clothing («қўй терисидаги бўри) ва б.

Бунда ФБ лар ҳар хил маънолар ифодаловчи муболаъдан тартиб абсурдгача бўлган кенг доирадаги образларни яратишда иштирок этади.

(as) pleased as a dog with two tails («икки дўмли итдек мамнун») [4:271].

Фразеологик бирликлар орасидаги антонимик алоқалар (фразеологияда семантик муносабатларнинг муҳим кўрсаткичи сифатида) алоҳида семантик-мавзувий доираларда ривожланади: мисол тариқасида, бутунлай-куч:

(as) strong as a horse («хўкиздеқ бақувват») ва

(as) weak as a cat (kitten или water) («заиф»);

- **бойлик-камбағаллик:**

(as) rich as Croesus («Крез каби бой») ва

(as) poor as a church mouse («черков сичқони каби камбағал»);

- **қалб сифатлари:**

a heart of gold («олтин юрак») ва *a heart of stone, stone heart, stony heart* («тош юрак»);

- **Гўзаллик-хунуклик:**

(as) *pretty as a picture* («расм каби яхши») ва (as) *ugly as sin* («марҳум гуноҳ каби қўрқинчли»);

- тажриба-тажрибасизлик:

old bird (= «отилган қарға») ва *spring chicken* («сарик оғизли ўсмир»);

- эмоционал ва интеллектуал сифатлари:

(as) *gentle as a lamb* («сезгир қўзичоқ») ва (as) *hard as nails* («золим», «тош юрак»); (as) *straight as a die* («тўғри сўзли, ҳалол»).

ФБ ларнинг семантик мақоми учун қайта фикрлаш-энг аввало турғун ўхшатишлар учун.

(as) *bold (или brave) as a lion* («арслон каби довюррак»);

(as) *mute as a fish* («балиқ каби сақов»).

Ушбу ўхшатишларнинг барчаси инсонларга тегишли. Бунда биринчи компонент ўз маъносида қўлланилади. Турғун ўхшатишларнинг эркин прототиби сийрак учрайди.

Агар инсон тўғрисида гапирилганда *he is as weak as a kitten* («дармонсиз», «заиф»). Ушбу ўхшатиш ФБ ҳисобланади. Агар у кучукка нисбатан қўлланилса, у эркин бирикма ҳисобланади. Бундай ҳолларда экстралингвистик омил ката роль ўйнайди [5:368].

Баъзи ФБ лар компонентлари асл маъноларида қўлланилганда тасаввурдаги объектларни билдиради. Улар компонентлари формал мантиққа зид ҳолда ва структур-семантик номувофиқлик сабаб маънолари мос келмаса ҳам қўлланилиши мумкин:

- бевосита зидлик шундаки, ушбу тушунчада мавжуд бўлмаган белги ифодаланиши мумкин:

(as) *drunk as a boiled owl* («ғирт маст»);

walking corpse («юррадиган скелет»; «тирик ўлик»);

Таъкидлаш зарурки, инглиз тилшунослигида «фразеологик бирлик» термини кенг қўлланилади (Phraseological unit), шундай аталган «set expression» термин ҳам моҳиятига кўра бир хил, охирги термин ўрнида «идиомалар» термини ҳам қўлланилади. Инглиз тилшунослигида фразеологик чатишманинг тор маъноси йўқ, фразеологизм, деганда барча турғун иборалар тушунилади. Инглиз тили фразеологик бирликларининг энг кенг тарқалган таснифи мавзувий ҳисобланади.

Бундан ташқари, фразеологик бирликлар миллий-маданий ахборотни ташувчи энг муҳим манбалардан биридир, уларни таҳлил этиш ўзига хос когнитив жараён бўлиб, у халқ маданияти, анъаналари, урф-одатлари, оламнинг оддий манзараси асосида шаклланган анъанавий

моделлари ҳақидаги билимларни ҳисобга олган ҳолда тушуниш, жараёнидир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка.- М.: Эдиториал УРСС.2001- 416с.
2. Гак В.Г. Национально- культурная специфика меронимических фразеологизмов // Фразеология в контексте культуры.- М.: «Языки русской культуры», 1999.- С. 260-270.
3. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка.- М.: Высшая школа.- Дубна: Феникс, 1996.- 33-34 б.
4. Makkaï A. Idiom Structure in English.- The Hague: Mouton, 2002.-271-272p
5. Seidl J, McMordie W. English Idioms and How to Use Them.- Oxford: Oxford University Press, 2008.- 368p

Ўзбекистон Республикаси
Ўқитувчиларнинг
Ўқитувчилик Педагогикалиқ Институті
N M P I
1934